**“Huquq va burch” ижтимоий-ҳуқуқий, илмий журнали сонларини етказиб бериш (обуна) ШАРТНОМАСИ**

№ 40-394 .06.01 2022 й.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси номидан Низом асосида директор Ф.Тожиев, (кейинги ўринларда - “Етказиб берувчи”) бир томондан ва Бухоро давлат университетининг Пед. инс номидан Валиенов М. И (кейинги ўринларда - “Обуначи”) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1. “Huquq va burch” ижтимоий ҳуқуқий, илмий журналининг обуна индекси **902**. Журнал ойига бир маротаба даврийлик билан, А-4 форматда, 64 саҳифада, барча саҳифалари рангли кўринишда чоп этилади, МАРКАЗ журнални ОБУНАЧИга обуна тўлови асосида етказиб беради.

**II. Махсулот сони, ҳажми, баҳоси**

2. Шартноманинг умумий баҳоси қуйидаги тартибда белгиланади.

| т/р | Махсулот номи | Комплект сони | 1 комплект нархи (ҚҚС билан) | Жами нархи (ҚҚС билан) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | “Huquq va burch” ижтимоий ҳуқуқий, илмий журнали | | 400 000 (тўрт юз минг) сўм | |

Ушбу шартнома бўйича обунанинг умумий суммаси тўрт юз минг ( ) сўмни ташкил этади.

**III. Журнал сонларини етказиб бериш муддати ва тартиби**

3. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИга журнал сонларини босмахонада унинг тўлиқ адади чоп қилинганидан кейин 5 иш куни ичида етказиб беради. Журнал сонларини етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисобидан қопланади.

**IV. Тўлов тартиби**

4. ОБУНАЧИ ушбу шартнома бўйича обуна учун тўлов суммасини ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб беш банк куни ичида, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида рўйхатга олиниши лозим бўлганда, шартнома тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки нақд пул орқали тўлиқ олдиндан (*100 фоиз*) амалга оширади.

Тўлов нақд пулсиз шаклда тўлов топшириқномаси асосида ёки нақд пул маблағларини банк муассасалари орқали нашриётнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**V. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

5.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИни ушбу шартномада белгиланган муддат ва миқдорда журнал сонлари билан таъминлайди.

5.2. ОБУНАЧИ ушбу шартноманинг белгиланган қисмида ва тўлов топшириқномасида ўзининг тўлиқ номи ва манзилини, почта индекси, СТИР, ОКЭД, банк ҳисоб рақами, банк коди, телефон рақамларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

5.3. ОБУНАЧИ 5.2.-бандда кўрсатилган шартларни обуна шартномаси ҳамда тўлов топшириқномасида (ёхуд почта квитанциясида) аниқ ва равшан кўрсатмаган ҳолда тақдим этса, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ журнални ушбу камчиликлар обуначи тарафидан бартараф этилмагунча етказиб беришни кафолатламайди.

5.4. ОБУНАЧИ шартномани бир томонлама бекор қилгани, манзили ўзгаргани, ташкилот ўз фаолиятини республика ҳудудида тўхтатгани ҳақида таҳририятга бир ой муддатда хабар қилмаса, обуна қолдиғи суммаси миқдоридан қатъи назар, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

5.5. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ айби билан (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) журналнинг чоп этилмаган сонлари учун ушбу сонлар суммаси миқдоридаги пул маблағи ОБУНАЧИга қайтарилади.

**VI. Коррупцияга қарши курашиш шартлари**

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат